

Хозирда бизлар учун энг мухим масалалардан бири, шубхасиз, тил масаласидир. Биз Туркистон турклари она тилимиз бўлгон туркий тил билан бирга яшарга ва туркий тилимизни ўз хаётимиз ва ўз ҳуқуқимиз билан баробар муҳофаза этарга тевишмиз.

Эски ҳукумат замонинда биз туркистонлилар ҳукуматнинг расмий идора ва мактаблари нари турсин, ўз мактабларимизда ҳам она тилимизда илм ва фан ўқумокка қомили ихтиёрли эмас эдик. Чунки ул мустабид ҳукуматнинг чин муддаоси бизларни ва ҳам гайри русларни руслаштурмок бўлгонлиги сабабли бизларни ҳар жихатдан қисарга, эзарга тиришиб тура эди.

Энди Худога шукрлар бўлсинки, ондай сиқинтилик ва шиканжалардан қутилдик. Хозирда ҳар ерда она тилимизга сўйларга, ибтидоийдан ўрта ва олий даражадаги мактабларимизда она тилимизда тахсили илм этмакка ихтиёрли бўлдик, ўшандок расмий идораларимизда қарорнома, таққира ва бўйруқдек расмий қогозларимизни туркча тилда ёзарга ва тарқатурга эрқлимиз. Шунинг учун эндиликда шундай муқоидли қамин ва қамондан истиқода этиб, туркий тилимиз ва адабиётимизнинг қомоқлига тиришмақимиз ва туркий тилимизнинг Туркистонда расмий ҳукумат тили қилурга ҳаракат этмақимиз лозимдир. Чунки мухториятли Туркистон ўлкасининг 95 прусентини таққил этган биз, турк муқолмонлармиз. Шул сабабли ҳозирги қамонда туркий тилимизни рус тили билан ҳуқуқда баробар этарга ва расмий ҳукумат тили қасарга ҳаққимиз бордир.

Газеталарда ўқуқонимизга қўра қинда Тошқандда бўлиб ўтган болшевик қоммунистлар съездида Тобулин ақанди тарақиндан муқолмон тилини рус тили билан ҳуқуқда баробар этмақ масаласи қўзғатилгон. Тобулин ақанди ўз нутқинда айтганқим: «Хозирқача рус тили расмий ҳукумат тили ҳисоб этилиб қедди. Биз мухториятли Туркистоннинг асл эгалари муқолмонлар бўлгонлиқини хотиримиздан қикармасга, шунинг учун аларга ўз тилларинда қаром ва мақсадларини анқлатурга йўл очарга қерак, яъни мақаллий туркий тилни расмий ҳукумат тили ҳисоб этиб рус тили билан бир ҳуқуққа юритурга, истеъмол этарга қерак».

Мана, ушбу мухим масалани бошлаб қўзғатмок вазифаси тил эқаси бўлгон биз муқолмонларга лозим экан. Билъақс, ани қўзғатиб, ўртага отмок шарақи бошқаларга насиб бўлди. Энди бизларга, ҳусусан иш бошинда тургон улугларимизга, ёшларимизга ва матбуотимизга лозимдирки, қурсатни ўтқармасдан тездан ушбу масаланинг ҳаллига тиришқайлар.

Ушбу муносабат билан биз шуни айтиб ўтмакни тевиш кўрамизким, Туркистондаги мусулмон шўролари билан мусулмон расмий ташкилотлари идорасиндаги барча дафтарлар билан мусулмон идораларига юборилатургон расмий коғозлар туркий тилинда ёзилгай. Аммо мусулмон идоралариндан рус идораларига юборилатургон расмий коғозлар ёнинда русча нусхаси билан бирликда туркча ёзилиб юборилгай. Ўшандок рус идоралариндан мусулмон идораларига юборилатургон расмий коғозлар туркча нусхаси ила бирликда русча ёзилгай.

Илова суратинда ҳам айтамызким, ҳозирда Самарканд мусулмон шаҳар думахонаси билан мусулмон шўроси ўз тарафлариндан мусулмон идораларига юборилатургон расмий коғозларини фақат русча ёзиб юбормакдадирларки, бу иш ўз тилимиз ҳақида бир жиноятдир. Шунинг учун мухтарам шўро ва бададия идорасиндан ўтинамызким, бу масалага аҳамият бериб, бу тўғрида тезрок тадбир кўрага киришгайлар.

«Меҳнаткашлар товуши» газетаси, 1918 йил, 16 июль

* * *

Мундан бир неча кунлар илгари Тошкандда бўлиб ўтган болшевик коммунистлар курултойинда Туркистон жумҳуриятинда туркий тилни расмий давлат тили этарга қарор берилганлиги хабари ила баробар шул ҳусусда газетамизда бир мақола ёзиб ва ўшандан бери бу тўғрида марказий ҳукуматнинг буйруғини кутиб тура эдик.

Сўнг кунларда ушбу ҳақда муқаддима ўларок Туркистон марказий кўмитасинда юқоридаги буйруқ чиқаридди.

«Улуғ Туркистон» рафикимизнинг ёзғонига кўра, 8нчи августда Марказий Туркистон комитетининг биносинда Туркистон мусулмонлари учун давлат тили тайин этгувчи комиссиясининг 3нчи йиғилиши бўлгон. Сулқин тахти раёсатинда рус ва мусулмон жамоат ходимларининг иштироқи ила ясалгон бу мажлисда «Туркистон мусулмонлари учун давлат лисони туркий тили бўлур» деб қатъий қарор чиқарилгон. Шунинг ила баробар ўрнига қараб бу тилда ўзбек, козок ҳам туркман шевалариндан бириси олдин

тутилур деган бир талаб хам киргузилган. Туркий тилнинг ҳукумат маҳкамаларинда, пўчта, телегроф, банк, хазинахона ва бошқа шундай давлат муассасаларининг қаюсинда воқе равишда имлога кўйилмоғи ҳақинда лойиҳа тузмак иши Кўчарбоев билан С. Ликушин афандиларга тобшурулгон. Бу лойиҳанинг ҳозирланиб тамом бўлиши билан туркий тили Туркистон учун давлат лисони этилиб фармон чиқарилур ва бутун маҳкамаларда бу тилда ариза, коғоз ва телеграмлар қабул этарга амр берилур экан.

Ушбу яхши хабар биз Туркистон мусулмонларини бир ёқдан канча шодлантурса ҳам, иккинчи ёқдан кўб кийинликлар олдинда шоштириб кўюр. Чунки туркий тилимиз давлат тили бўлиб, Туркистон жумҳуриятиндаги барча ҳукумат мусулмонларига киргузилганда бу ўринларда етишарлик мирзо ва таржимонлар тил билмайдирки, мунинг учун зўр мушкулот олдинда шошиб қолурмиз. Ҳозирги мирзоларимиз бўлсалар, ўзлари турк ўғли турк бўлиб туркий тилнинг қоидаларини ва ёки имлони билмайдирларким, буларнинг ёзгон ва ёзатургон нарсалари умум ва кўча тилиндан озгина тафовутлидир. Мунга илова, бу сўнг йилларда (боҳусус Русия инқилобидан кейин) бизнинг мирзолар орасинда ёмон бир одат жорий бўла бошладик, булар туркий тилимизга русча сўзлар кўшиб ёзатургон бўлдилар. Русча ўқугон зиёли ва таржимонларимизга келганда, булар (аксарият ила) русча ва туркчани яхши билмаганликлари сабабли таржималари очик ва дуруст чиқмайди. Булардан русчани яхши билатургонлари туркчани дуруст билмайдирлар.

Биз туркча қоидаларни билмаганлари учун ҳозирги мирзо ва таржимон биродарларимизни айблаб олмаймиз, алар бу тўғрида маъзурдирлар. Чунки алар ва бизларнинг ҳеч қайсими мунтазам мактабларда ўқуб чиқмагон. Тил қоидаларининг таълими мунтазам мактабларда бўладир-ки, мундай мактаблар ҳануз Туркистонимизда очилгон эмас. Ҳозиргача давом этиб келган янги мактабларимизда бўлса туркий тилимизнинг сарф ва нахви ўқутила бошлагони йўқ. Бизнинг туркий тилимиз ишланмагон бир тил бўлиб, мунинг сарф ва нахвиға оид ҳануз бирор турли рисола босилиб чиқгон эмас. Бизнинг муаллим афандиларимиз тил қоидаларини яхши билмайдирларки, ушбу кунгача баъзилари тарафидан ёзилгон мактаб қитобларидан маълумдир.

Хулоса, бир тарафдан тилимизнинг ҳануз ишланган бир ҳолға келмаганлиғи, иккинчи тарафдан бу кунги ишларимизга етишарлик микдорда тил билатургон мирзо ва таржимонларнинг топилмаслиғи масаласи биз Туркистон халқини огир ва кийин бир вазиятда қолдирадирки, мунинг таҳфифи учун бирор турли тадбир ва чора қўрмакимиз лозимдир.

Бизнинг фикримизча, бу мушкилотнинг бир даража олдини олмок ва ўз орамиздан яхши мирзо ва таржимонлар етиштирмок учун хозирдан бошлаб Туркистон ўлкасидаги хар бир шаҳарда ҳукумат ҳисобиндан тил курслари очилсун. Бу курслар икки шўъбадан иборат бўлуб, биринчи шўъбасинда хозирги мирзоларимиз билан мирзоликка хаваскор кишиларга туркий тил қоидалари ва дафтардорлик усуллари ўргатилсун. Иккинчи шўъбасинда хозирги таржимонларимиз билан таржимонликка хаваскор одамларга туркча ва русча тиллари ва таржима этмак усуллари ўргатилсун. Мундан сўнг шундай курслардан мирзоликка ёки таржимонликка шаходатнома олиб чиқгон кишиларгина хидматга олинсунлар.

Мана ушбу тадбирни ихтиёр этган такцирдагина биз юқорида айтилган кийинликлардан бир даража қутулгон бўлурмиз.

«Меҳнатқашлар товуши» газетаси, 1918 йил, 20 август